

SHARQ MASH'ARI

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

ОАВ ВА ИНТЕРНЕТ “ОММАВИЙ ДИПЛОМАТИЯ”НИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

САЙФУЛЛАЕВ ДУРБЕК

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ТошДШИ

Аннотация. Тадқиқотда жаҳон тартиботини ўзгартираётган глобаллашув жараёнларида оммавий дипломатияни ривожлантириши зарурияти таҳлил қилинганд.

Таянч сўз ва иборалар: ОАВ, Интернет, оммавий дипломатия, ТИВ, YouTube, Twitter, CNN, ННТ.

Аннотация. В процессе исследования проанализирована необходимость развития публичной дипломатии в процессе глобализации, которая изменяет мировой порядок.

Опорные слова и выражения: СМИ, Интернет, публичная дипломатия, МИД, YouTube, Twitter, CNN, НПО.

Abstract. The study analyzes the need for the development of public diplomacy in the process of globalization, which changes the world order.

Keywords and expressions: Media, Internet, public diplomacy, MFA, YouTube, Twitter, CNN, NGO.

Дунёнинг жаҳон тартиботини ўзгартираётган глобаллашув жараёнларида оммавий дипломатияни ривожлантиришга зарурат ошмоқда. Хорижий ахборот воситаларининг эътибори оммавий дипломатиянинг давлат олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга ижобий қарашларини халқаро жамоатчиликка давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ички сиёсий ва халқаро ҳаётга нисбатан расмий ёндашуви тўғрисидаги ишончли ахборотни етказишга қаратилган. Оммавий дипломатиянинг вазифаси эса халқаро майдонда муайян давлатнинг аниқ ҳаракатларини хорижий мамлакатлар жамоатчилиги томонидан, шу жумладан, ўз мамлакати фуқаролари ва хорижий шериклар ўртасидаги мулоқотни кенгайтириш йўли билан қўллаб-кувватланишини таъминлашдир. “Оммавий дипломатия” ибораси Тафт университети хуқуқ ва дипломатия мактаби декани Эдмунт Галлион томонидан 1965 йилда илмий муомалага киритилган эди. Унда таърифланишича, оммавий дипломатиянинг вазифаси “бошқа мамлакатларда ижтимоий фикрга ахборот ет-

казиш ва таъсир кўрсатишга йўналтирилган, хукumat томонидан молиялаштириладиган дастурлар¹ ишлаб чиқиши назарда тутади.

АҚШ ОАВларида Вашингтон ташки сиёсатидаги кескин нукталарни “силлиқлашшга” мойиллик кузатилади. Бу ерда “CNN самараси” номи остида назария ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ кечаю кундуз ахборот етказишнинг ривожланган тармоғи мамлакат ташки ва ички сиёсати борасида америка халқининг фикрини шакллантиради. Шу аснода ОАВ мамлакатни демократия ва инсон хуқуклари ҳимоячиси сифатида кўрсатмоқда. АҚШ миллий ижтимоий радиосидаги “This American Life” шоуси билан боғлиқ бир кўриниш бунинг мисолларидан биридир. Мазкур шоу электрон журналистика соҳасидаги буюк хизматлар учун бериладиган ўта нуфузли Пибоди мукофотига сазовор бўлди. Шоуда 1982 йилда бутун бир қишлоқ ахли ёвузларча ўлдирилган қотилликлар тўғрисида

¹ Wolf Ch. Jr., Rosen B. Public Diplomacy: How to Think about and Improve It. URL: <http://www.rand.org>.

SHARQ МАСН'АЛI

хикоя қиласи¹. Аммо эшиттириш муаллифлари ушбу ҳодисаларга АҚШ ҳам жалб қилинганини “унутиб кўйган”.

Россия президенти маъмуриятида ташки сиёsat ахборот таъминоти учун масъул бўлган тузилмалар мавжуд. РФ президенти матбуот хизмати бошқармасининг аккредитация ва брифинглар бўлими ОАВ билан ташкилий ишлар, хусусан, РФ президентининг сафардаги учрашувлари ва нутқларини ахборотда ёритиш учун хизмат қиласи. Тезкор ахборот бўлими ОАВ мониторинги ва унинг якупнариға кўра, тегишли ахборот материалларини тузиш билан шуғулланади, унда РФ президенти фаолиятининг ОАВдаги асосий баҳолари ўз аксини топади. 2009 йил май ойининг охирида РФ президенти маъмуриятида хорижда Россия қиёфасини яхшилашга мўлжалланган норасмий комиссия ташкил этилган эди. Бу тузилмага президент маъмуриятининг раҳбари ва унинг ўринbosари бошчилик қиласи. ТИВ раҳбари ва халқаро масалалар бўйича президент ёрдамчиси ҳам шу комиссия таркибиға киритилган. Янги ташкилотнинг вазифаси салбий ахборот сабаблари пайдо бўлишининг олдини олиш, бунга йўл кўймаслик ҳамда уларга қарши туриш стратегиясини ишлаб чиқишидир.

Шунингдек, инқизозли вазиятлар вужудга келганда алоқани таъминлаш учун хорижга чиқиб кетаётган фуқаролар билан мулоқот қилишнинг бевосита каналларини яратиш амалиётидан ҳам фойдаланилмоқда. Масалан, МТС уяли операторининг барча мижозлари хорижга келгач, Россия элчихоналари билан фавқулодда боғланиш учун телефон рақамлари кўрсатилган бепул SMS хабарлари оладилар. 2012 йил август ҳолатига кўра, Россия ТИВ сайтида 45 та Twitter-аккаунтлар ҳисобга олинган бўлиб, улардан иккитаси ташки ишлар вазiri ўринbosари Геннадий Гатиловга ва Россиянинг Буюк

¹ <http://www.thisamericanlife.org/radio-archives/episode/465/what-happened-at-dos-erres>.

Британиядаги элчisi Александр Яковенко-га тегишилдири. Яқинда Россия ТИВ веб-сайти интерфейси янгиланди. Шу билан бирга, 2012 йилнинг июнида Россия ТИВ YouTube-да биринчи аккунтни ишга туширди. Бундан ташқари, тез орада Facebookда муассасалар саҳифаларини яратиш ва Twitterдаги элчиҳоналар микроблоглар сонини кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Россияда ташки сиёsatни ахборот билан таъминлашни ташкил этишдаги мувофиқлаштирувчи роль ТИВ ахборот ва матбуот департаментига (АМД) юқлатилган. АМД доирасида бир неча бўлимлар мавжуд. Улар орасида тезкор ахборот бўлимининг фаолият соҳаси ташки сиёсий масалалар бўйича расмий ахборотни бевосита тарқатиш, бошқача қилиб айтганда, Россиянинг хорижий муаммоларга расмий ёндашувини Россия ва жаҳон жамоатчилигига етказишидир.

Россиядаги ОАВлар билан ишлаш бўлими Россиядаги ОАВ вакиллари билан бевосита ўзаро ҳаракат олиб бориш билан шуғулланади. Унинг асосий йўналишларидан бири хорижга ташки ишлар вазiri сафарларини ахборот билан таъминлашдир. ОАВ тезкор мониторинги бўлими маҳсулотнинг уч тури: тезкор маълумотлар, матбуот шарҳи ва марказий сиёсий матбуотдаги ташки сиёсий шарҳни яратиш билан шуғулланади. ОАВларда ташки сиёсий ҳодисаларни ёритишидаги ўзига хосликларни кузатиб бориш ҳам шу бўлимининг вазифасига киради.

Айни вақтда Россия ташки сиёsatини ахборот билан таъминлашда йирик ахборот агентликлари фаолият олиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Булардан энг йириги ИТАР-ТАССдир. У Россия ва МДХ мамлакатларида 80 дан ортиқ ҳамда узоқ хориж мамлакатларида 60 га яқин бўлинмалар ва мухбирлик пунктларига эга. Агентлик ахборотнинг 45 та тезкор тасмаларини чиқарди, булардан 6 таси чет тилларда чиқади. Халқаро ахборотнинг Россия агентлиги “Новости” РАА бутун Россиядаги ва хориждаги

\$HARQ МАСН'АЛI

шунга ўхшаш агентклар орасида энг кўп иқтибос келтириладиган манба бўлиб, бу кўрсаткич бўйича агентлик нафақат ОАВда, балки рус тилидаги блогларда ҳам етакчилик қилмоқда. Агентлик 14 тилда ўз сайтларини юритади, 20 дан ортиқ янгиликлар тасмаларини яратади, жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатларида ваколотхоналари ва мубирлик пунктларига, хорижда чиқадиган босма ОАВ нашрларига эга.

“Интерфакс” аввал бошданоқ хорижда Россия тўғрисидаги ҳаққоний ахборотни тарқатишига мўлжалланган эди. Мазкур агентленинг “Интерфакс-Америка”, “Интерфакс-Европа”, “Интерфакс-Германия” сингари шўъба корхоналари, минтақаларда ва МДҲ мамлакатларида иш олиб борувчи алоҳида ахборот агентликларига эга, бу ахборотнинг бузиб кўрсатилиши ва салбий изоҳлар хатарини анча камайтирган ҳолда хорижий фуқароларга ахборотни тўғридан-тўғри, воситачилариз етказиш имконини беради. Агентлик ишидаги бундай ўзига хослик унга ташқи сиёсий ахборотни етказиб беришнинг самарали канали сифатида юзага чиқишига имкон беради. “Голос России” давлат радио эшиттириш компанияси ва “Russia Today” телеканаллари халқаро хабар етказиш воситалари бўлиб, булар жаҳон жамоатчилигига Россия ёндашуви етказилишини таъминламоқда¹.

Шундай қилиб, бугунги кунда хорижий аудиторияга таъсир кўрсатиш учун ташқи сиёсий фаолият тарғиботининг захираси ва воситаси сифатида рақамли дипломатиядан фаол фойдаланишга мойиллик кузатилмоқда. Масалан, оммавий дипломатия ижтимоий тармоқлардаги мулоқот билан тўлдирилди. Бунинг оқибатида “твипломаси” пайдо бўлди, ижтимоий тармоқларга кираётган президентлар, бош вазирлар, вазирлар, ташқи сиёсий муассасалар раҳбарлари ва элчилар эса “твипломатларга” айланиб бормоқ-

да². Ташқи сиёсатни тарғиб қилиш воситаси сифатидаги янги медиалар (ижтимоий тармоқлар, блоглар) хорижий аудиторияга улкан таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда деярли ҳар бир фуқаро, агар истаса, реал вақт тартиботида ҳар қандай ташқи сиёсий ҳодисага ва қандайдир мамлакатнинг тарғиботига қўшилиши ва ҳатто муайян таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай шароитларда ташқи сиёсатни тарғиб қилиш воситаси сифатидаги таҳлилий, ижтимоий-сиёсий медиалар ва ННТлар алоҳида ролга эга.

Мазкур соҳадаги ушбу тенденциялар давлат дипломатик фаолиятининг таркибий қисми сифатидаги мамлакат янги ташқи сиёсий қиёфасини шакллантиришга нисбатан ялпи ва узок муддатли стратегияни ишлаб чиқишина тақозо этмоқда. Бу муаммони ҳал қилиш жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларнинг замонавий суръати эҳтиёжларини қондиришга, давлат ташқи сиёсатини самарали амалга оширишга имкон яратади. Ўзбекистоннинг холис қиёфасини шакллантиришга ёрдам беради.

Таҳлиллар кўрсатишича, ушбу йўналишдаги фаолият ҳалқаро ҳамкорлик доирасидаги айрим вазирликлар ва муассасалар билан биргаликда амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда хорижий давлатнинг ижобий қиёфасини шакллантириш борасидаги давлатнинг муҳим вазифаси сифатидаги оммавий дипломатия аҳамиятига эътибор кучайтирилмоқда. Хусусан, 1995 йил нояброда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларнинг бориши, жамиятнинг демократик янгиланиши жараёни тўғрисида холис ахборот тарқатиш, миллий ва халқаро ахборот агентликлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш,

¹ Официальный сайт Международной информационной группы «Интерфакс» // <http://www.group.interfax.ru>.

² Сайфуллаев Д.Б. Информационное обеспечение внешней политики государства: сравнительный анализ опыта России и США // Вестник ПАГС // № 1 (40) 2014.

SHARQ MASJ'ALI

республикамизнинг жаҳон ахборот маконига интеграциялашувини тезлаштириш мақсадида “Жаҳон” ахборот агентлиги ташкил этилган¹. 2016 йилнинг 3 августидан эса “YouTube” тармоғида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг канали ўз ишини бошлади². 2016 йилнинг 10 ноябридан эса мамлакат ташқи ишлар вазирининг вертуал қабулхонаси очилди³.

Ўзбекистон Республикаси дипломатия хизмати давлат олий раҳбарияти томонидан белгилаб берилган ташқи сиёсий вазифаларни амалга ошириш воситасидир. Шу аснода унинг муайян роли, фаолият шакллари ва усууларини ташқи ва ички омиллардаги ўзгаришларни халқаро майдондаги янги даъватларни хисобга олган ҳолда чуқур ислоҳ қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш предмети эканича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ижобий қиёфасини яратиш бўйича асосий иш Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг хориждаги муассасалари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, шунингдек, республика Савдо-саноат палатаси зиммасига тушади. Аммо жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг халқаро қиёфасини юксалтириш борасидаги уларнинг саъй-харакатлари деярли мувофиқлаштирилмаган, ушбу йўналишда улар фаолиятининг ягона режаси мавжуд эмас. Шунингдек, пиар ва лоббилаш соҳасида малакали кадрлар етишмаслиги ҳам кузатилмоқда. Оммавий дипломатиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан шуларга ҳам боғлиқ. Бу республикада ўз кадрлари салоҳиятини ривожлантириш ҳамда улар-

нинг сафини мунтазам кенгайтириб бориш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон оммавий дипломатиясидаги жорий вазиятни бир хилда баҳолаб бўлмайди, чунки турли вазирликлар ва муассасалар томонидан ушбу соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар уларнинг фаоллик дарајасига кўра бир-биридан кескин фарқ қилади. Ушбу чора-тадбирларнинг натижаси жаҳондаги долзарб муаммоларга муносабатда республика роли ва мавқеининг ўсишида, халқаро муаммолар бўйича ўзбек томони илгари сурган муҳим ташабbusларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-кувватланиши, мамлакатга хорижий сармоялар ва сайёҳлар оқимининг ўсиши ва жаҳон бозорларига экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажмининг ортиши ва ҳ.к.ларда намоён бўлади. Шуларни хисобга олган ҳолда, қўлга киритилган аниқ натижани, оммавий дипломатиянинг саъй-харакатларини баҳолаш учун анча вақт талааб қилиниши мумкин.



¹ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хузуридаги “Жаҳон” ахборот агентлиги // Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий сайти // <http://mfa.uz/uz/about/subordinate/>

² Қаранг: <https://www.youtube.com/channel/ UCeYfCfsLf6-WtH-C2Je8DVoA>.

³ Открыта виртуальная приемная Министра иностранных дел Узбекистана // Информационное агентство УзРепорт// http://news.uzreport.uz/news_3_r_145971.html.